«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзгидромет
бош директори ўринбосари,
танлов комиссияси раиси

_____Ф.Б.Сафаров
“____”_____ 2022
йил.

2022 йил 14 октябрь *Тошкент шаҳри*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ-4896-сон қарори билан тасдиқланган дастурларга мувофиқ, 2022 йилда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида "WRM 200 метеорологик радиолокатор" ускунасини ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш шароитини яратиш учун металл конструкция таёрлашга лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича харид комиссиясининг навбатдаги

2- **сон йиғилиш БАЁННОМАСИ**

Ўзгидромет Бош директорининг 2022 йил 19 июлдаги 197-Т-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзгидромет харид комиссия аъзолари рўйхати.

Комиссия раиси:

1 Ф.Сафаров - Ўзгидромет Бош директори ўринбосари

Комиссия раиси ўринбосари:

2 Қ.Кулумбетов - Бош директор маслаҳатчиси

Комиссия аъзолари:

3 А.Нарзуллаев - Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси бошлиғи

4 А.Исломов - Юридик бўлим етакчи юристконсулти

5 С. Халияров - Инвестицион лойиҳаларни мувофиқлаштириш, маркетинг тадқиқотлари ва молиялаштириш бошқармаси бошлиғи

КУН ТАРТИБИ

1. Талабгорлар томонидан танлов ҳужжатлари талаблари асосида тайёрланган таклиф ҳужжатларини ўрганиб чиқиш ва танлов ғолиблигига номзодни танлаш.

(Ф.Сафаров, Қ.Кулумбетов, С.Халияров, А.Нарзуллаев, А.Исламов)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ-4896-сон қарори билан тасдиқланган дастурларга мувофиқ 2022 йилда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида "WRM 200 метеорологик радиолокатор" ускунасини ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш шароитини яратиш учун пудратчи ташкилотни аниқлаш, танлов ҳужжатлари талаблари ҳамда давлат харидлари махсус ахборот порталида (etender.uzex.uz) 2022 йил 9 сентябрда жойлаштирилган энг яхши таклиф бўйича эълонга (лот № 22110012146612) асосан талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилди.

Харид комиссияси масъул котиби томонидан энг яхши таклиф бўйича

- **“KELAJAK-S” ХК**
- **“PROEKT-SERVIS” МЧЖ**
- **“D-INEX”** МЧЖлардан таклифлар келиб тушганлигини,

шунингдек, 2022 йил 20 сентябрда харид комиссиясининг баҳолаш хулосасига мувофиқ etender.uzex.uz сайтида эълон қилинган энг яхши таклифни аниқлаш баённомаси асосида “D-INEX” МЧЖ ғолиб деб топилганлигини ва МЧЖ билан шартнома тузилганлигини маълум қилди.

Шундан сўнг Комиссия раиси Ф.Сафаров сўзга чиқиб, “D-INEX” МЧЖ раҳбарияти томонидан Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида "WRM 200 метеорологик радиолокатор" лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда тўлиқ якунлаш имконсизлигини, иш тажрибаси камлиги ва бошқа сабабларга мувофиқ шартнома бекор қилиш таклифи билан чиққанлигини маълум қилди. Шартномани жарима қўлламаган ҳолда бекор қилиш таклифини билдирди.

Комиссия раиси таклифни овозга қўйди.

Овоз бериш натижаси: «Рози» - 5, «Қарши» - 0, «Бетараф» - 0.

Комиссия раиси Ф.Сафаров томонидан захирадаги ғолиб корхона **“KELAJAK-S” ХК** билан шартнома тузиш таклиф этилди.

Комиссия раиси таклифни овозга қўйди.

Овоз бериш натижаси: «Рози» - 5, «Қарши» - 0, «Бетараф» - 0.

Мажлис иштирокчиларининг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олиб, харид комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида "WRM 200 метеорологик радиолокатор" лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича **“D-INEX” МЧЖ** билан тузилган шартнома бекор қилинсин.

2. Захирадаги **“KELAJAK-S” ХК** ни танлов ғолиби деб топилсин ва ушбу корхона билан шартнома имзолаш мақсадга мувофиқ, деб белгилансин.

Харид комиссияси масъул котиби С.Орипова

Харид комиссияси аъзолари:

_____ Қ. Кулумбетов

_____ А. Нарзуллаев

_____ С. Халияров

_____ А. Исламов